

“Андишанинг отини қўрқоқ қўйманг!” ёки ўзбек тилининг мавқеи учун кураш

1 октябрь ўқитувчилар байрамини машҳур ресторанда нишонладик. Байрамда ўзбек тили фани ўқитувчиси сифатида педагогик жамоани ўзбек ўзбек тилида табриклаш учун мактаб раҳбаридан рухсат сўрадим.

Мактаб директори “Бу ерда рус ва инглиз тилида сўзловчилар ўтирибди, сизнинг ўзбек тилингиз кимга керак?” деб, жавоб берди. Мактаб директорининг ўзи ўзбек бўлатуриб, байрамни Ўзбекистонда нишонлаётган паллада ўзбекча табрик айтиш мумкин эмаслиги одамга алам қилди. Шундан кейин мен даврадан чиқиб кетдим. Мактабга қайтиб бормадим...

Ўзбекистондаги рус мактабларда ўзбек тили ачинарли аҳволдами? ishonch.uz га филология фанлари бўйича фалсафа доктори, бир неча йиллар давомида Тошкентдаги рус мактабларда дарс берган педагог Азимжон Давронов мақола йўллади. Тилнинг миллат тақдири ва руҳиятида тутган ўрни хусусида сўз борган мазкур мақолани қуйида эълон қилишга қарор қилдик:

“2023 йилнинг охири, 2024 йилнинг дастлабки ойларида Россия сиёсатчилари томонидан диёримиз ва миллатимизга қарата ахборот таҳдидлари тарқалаётганига гувоҳ бўляпмиз. Бундай таҳдидларга қарши ўзбек миллатининг ватанпарвар зиёлилари, сиёсатчи олимлар, жонкуяр ва фидойи фаоллар қатъий ва кескин жавобларни бериб келаётганидан хабардормиз. Лекин ҳар қандай таҳдид ва ҳужумларга жавоб берувчи кишилар бор, деб бефарқ бўлиш тўғри эмас. Бундай ҳолатларда Ўзбекистон тупроғида яшаб, ўзбек миллатига мансуб бўлган ҳар бир шахс курашга ҳисса қўшиши ва ўз муносабатини ифода этиши керак, деб ўйлайман. Чунки бу юртга, бу миллатга отилган тош

ҳаммага баравар тегади. Шу маънода барча ватандошлар, миллатдошларнинг Россия таҳдидларига қилган жавобларини қўллаб-қувватлайман ва бошқаларни ҳам шунга чақираман. Ана шу сабабларга кўра, ушбу мавзуга алоқадор бўлган мулоҳазаларимни ёзишга қарор қилдим.

Пойтахтимиз Тошкент шаҳри марказидаги мактабларнинг аксари рус мактабларидир. Биргина Миробод туманидаги 18 та мактабнинг 16 таси адашмасам, рус мактаблари. Агар Ўзбекистон республикаси аҳолиси 36 миллионни ташкил қилса, шундан тахминан, 1 миллиони руслардан иборат бўлиши мумкин. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар сони ўзбек миллатига мансуб аҳоли сонига нисбатан кўп. Бундай натижа Тошкент Ўзбекистоннинг пойтахтими ёки Россиянинг, деган саволни пайдо қилади.

Бош шаҳримиз ва вилоят марказларидаги рус мактаблари миллат ёки ватан фидойиларини тарбиялашига шубҳам бор. Таълим рус тилида фаолият олиб бориладиган мактабни битирувчилар миллатни миллат, давлатни давлат, тилни тил сифатида ривожланишига кескин тўсқинлик қилади. Биринчидан, иккитиллилик, иккиёзувлилик давом этаверади. Иккинчидан, икки тилда таълим олган ватандошлар бир фикр ва бир ғоя остида ҳеч қачон бир миллат бўлиб бирлаша олмайди. Учинчидан, ўзбек миллатининг тили кўзланган мақсад ва мавқега эришмайди.

Тўртинчидан, ушбу муаммолар ҳал бўлмас экан, давлатда ривожланиш оқсайверади. Бундай хулосага келишга сабаблар етарли. Мен кўп йиллар рус мактабида ўзбек тилидан дарс берганман. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилига эътибор

жуда ачинарли даражада. Рус мактабларида ўзбек тили учун ажратилган хоналарни кўрсангиз, худди бугунги кунда Россияда ўзбек мигрантларни камситиб, таҳқирлагани каби нохуш манзарани гувоҳи бўласиз.

2018-2019-ўқув йилининг биринчи чорагида икки ой Тошкент шаҳридаги машҳур хусусий мактабда дарс бердим. Мазкур мактаб инглиз тилига ихтисослашган бўлиб, таълим рус тилида олиб борилади. Мактаб ўқувчиларнинг 95 фоизи ўзбеклардан иборат бўлиб, рус ёки бошқа миллатга мансуб ўқувчилар, бундан ташқари чет элдан келган аҳоли фарзандлари ҳам учрайди. Ачинарли жойи шундаки, ушбу мактабда таълим оладиган ўқувчиларнинг ҳар уч тоифага мансуби ҳам ўзбек тилини ўқишдан бош тортади. Бундай ҳолат ўқитувчининг ғурури ва ҳамиятини поймол қилади. Хусусий мактаб маъмурияти ўқувчиларга шундай салбий ихтиёрий муҳитни яратиб қўйган. Ўзбек тилини ўрганишдан бош тортган ўқувчилар мактаб маъмурияти томонидан қўллаб-қувватланади. Ушбу ҳолатнинг сабабини сўрасам, улар хусусий мактабда пул тўлаб ихтиёрий равишда ўқийди. Биз уларни ўзбек тилини ўқишга мажбур қилолмаймиз, ички буйруқ билан расмийлаштириб қўямиз, деб жавоб беришди. Ваҳоланки, ўқувчи хусусий мактабда ўқийдими ёки давлат мактабида 11-синфгача бўлган таълим мажбурийдир.

Мактабдаги бундай ғайритабiiй таълимга 2 ой зўрға чидадим. Ваҳоланки, ушбу мактабда ўқийдиган ўқувчилар ҳар ойда университет талабасининг ярим йиллик шартнома пулини тўлаб ўқийди. Мактаб маъмурияти ўқувчи ва унинг ота-онасига мижоз сифатида қарайди.

Ўзбек тилини ўрганиш мажбурий эканлигини тушунтирса, табiiйки, мижозни йўқотиб қўйиши мумкин. Натижада, ўқувчи ихтиёрига қарши бориш ўринсиз.

Фикр юритилаётган мактабда дунёнинг турли давлатларидан келган инглиз тилида сўзловчилар ишлайди. Улар олий педагогик, филологик маълумотга эга мутахассислар эмас, шунчаки инглиз тилида сўзловчилар холос. Уларга маҳаллий педагог ходимлардан анча юқори даражада ойлик маош тўланади.

Ўша йили чет элдан келган меҳмон ўқитувчилар шарафига 1 октябрь ўқитувчилар байрамини машҳур ресторанда нишонладик. Байрамда педагогик жамоани ўзбек тили фани ўқитувчиси сифатида, ўзбек миллатининг вакили сифатида, ўзбек тилида табриклаш учун мактаб раҳбаридан рухсат сўрадим. Мактаб директори “Бу ерда рус ва инглиз тилида сўзловчилар ўтирибди, сизнинг ўзбек тилингиз кимга керак?” деб, жавоб берди. Мактаб директорининг ўзи ўзбек бўлатуриб, байрамни Ўзбекистонда нишонлаётган паллада ўзбекча табрик айтиш мумкин эмаслиги одамга алам қилди. Шундан кейин мен даврадан чиқиб кетдим.

Мактабга қайтиб бормадим. Мана, хусусий мактабларидаги ҳолатнинг бир кўриниши. Таълим рус тилида олиб бориладиган давлат мактабларида аҳвол бундан ҳам баттарроқ.

Хуллас, рус мактабларида таълим олаётган ўзбек болаларнинг ҳужжатдаги исми, отасининг исми, фамилияси ўзбекча бўлиши мумкин. Аммо ўзлари ўзбек болалари бўлмайди. Чунки улар ҳақиқий ўзбеклар қандай бўлишини билмайди. “Қай тилда фикрласангиз, ўша миллатга мойилсиз” деганларидек, ўзбеклар билан бир миллат бўлолмайди. Ўзбекистоннинг оммавий ахборот воситалари: газета, журнал, телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар ана шу чала миллат учун икки тилда, икки ёзувда иш фаолиятини давом эттираверади.

Университетлар ҳар йили бу чала миллатни ўқитиш учун қанча кадрлар тайёрлайди. Миллат миллат сифатида, тил тил сифатида, давлат давлат сифатида мавқега эришмайди, ривожланмайди. Ўзбек халқи бағрикенг, меҳмондўст, андишали халқ. Лекин халқимизнинг олий ижобий фазилати бўлмиш бағрикенглик, андишалилик фақат зараримизга ишлайди. Ўзбекистоннинг биринчи президенти Ислом Каримовнинг тарафдори, биограф олим Леонид Левитиннинг “Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида” номли танқидий мулоҳазалар китобида: “Аҳолисининг кўпчилиги рус тилида сўзлашадиган Киев шаҳридаги 800 та мактабнинг атиги 12 таси рус мактаби” (Известия 11.07.2000) деган маълумотни ўқиш мумкин. Мустақил бўлганимизга бу йил 33 йил тўлади. Бироқ, ҳали ҳануз рус халқини бошимизга кўтариб келяпмиз.

Украина, Озарбайжон, Грузия давлатларида ҳам рус ва бошқа миллат вакиллари яшайди. Лекин бошқа миллат вакиллари ҳам мазкур давлат тили ва ёзувида таълим оладилар. Ўзбекистон ҳудудида яшашни ихтиёр қилган бошқа миллат вакиллари ҳам ўзбек тилида таълим олиши керак. Рус, инглиз ва бошқа тилларни дарсдан кейин бемалол ўрганишга имконияти бор. Акс ҳолда ўзбек тилининг мавқеи юксак, ўзбек миллатининг қадри баланд бўлмайди. Миллат бирлашмайди. Миллат бирлашсагина, Ўзбекистон ҳудудида яшовчи бошқа миллатлар эл бўлади. Оптимиздан эргашади. Бир ярим асрдан кўпроқ вақт давомида рус халқи кўп сонли маҳаллий ўзбек халқининг таъсирига тушиб, тилини йўқолиб кетишига йўл қўймайди. Аксинча, софлигини сақлаб келади. Ўзбек миллатида эса, бунинг аксини кўраимиз.

Тўғри, Ўзбекистон кўпмиллатли давлат. Буни ҳеч қачон инкор этмаймиз. Рус, арман, корейс ва бошқа барча миллатлар билан доим аҳил ва иноқ яшаб келганмиз. Бундан кейин ҳам шундай бўлади.

Лекин гап миллат тилининг тақдири, давлатнинг миллий ғурури ҳақида кетар экан, тарихнинг қайсидир бир кунида ушбу долзарб муаммони ҳал қилиш зарур, деб ўйлайман.

Сабабини тушунтираман: “Коронавирус” пандемияси вақтида Хитойнинг Шанхай университетида таълим олаётган талаба, пандемия тарқалгани сабаб, ўзининг юртига Наманган вилояти Поп туманига келади. Пандемия тугагач, талабанинг ота-онаси Хитойга қайтишига рухсат бермайди. Бола Тошкент Молия институтида ўқишни давом эттиради. Тасодифдан шу талаба билан ҳамсуҳбат бўлиб қолдим. Унинг айтишича, у инглиз тилини жуда яхши билади ва у тилда эркин сўзлаша олади. Инглиз тилидан олган билимларига суяниб у инглиз тили орқали хитойликлар билан сўзлаша оламан, деган мақсадда кўрқмасдан Хитойга ўқишга борган. Лекин Хитойга бориб бутунлай бошқа бир манзаранинг гувоҳи бўлган. Яъни инглиз тили жаҳоннинг халқаро тилларидан бири бўлгани сабабли хитойликларга инглиз тилида мурожаат қилган. Хитойликлар унга нисбатан совуқ муносабатда бўлган. Сабабини сўраса, хитойликлар уларга хитой тилида мурожаат қилганларни ҳурмат қилишар экан. Талаба Тошкентга келиб, Хитойдаги ҳолатнинг аксини кўрган. Унинг айтишича, бу ерда рус ёки инглиз тилида сўзлаша оладиган талабалар ўзини бошқалардан бир поғона устун қўяди. Натижада ўзбек миллати ва унинг тили ҳурмат қилинмаслигини айтди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Гапнинг сирасини айтганда, миллатнинг тили ва мавқеини кўтариш учун кескин чоралар кўриш вақти келди. Тарихдан бизга маълумки, 1904-1905 йилларда Россия ва Япония давлатлари ўртасида уруш бўлган. Ушбу уруш Россиянинг мағлубияти билан якун топган. Урушда Россия иқтисодий жиҳатдан танг аҳволда қолган ва бутун умидини унинг мустамлакасида бўлган Туркистон ерларидаги ер ости ва ер усти табиий бойликларига

қаратган. Кўмир, нефть, газ, пахта, пилла, хўл ва қуруқ меваларни эшелон-эшелон ташиб кетгани етмаганидек, Туркистон халқларининг серҳосил ерларини зоравонлик билан тортиб олиб, уйсиз, ватансиз қолган рус халқини кўчириб келиб жойлаштирган. Улар учун рус мактаблари очиб, маҳаллий халқнинг миллий, маданий, диний, иқтисодий-сиёсий ривожланиши учун тўсқинлик қилган, салбий таъсир кўрсатган¹.

Азимжон ДАВРОНОВ

филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент.

¹ <http://ishonch.uz/news/1324>